35

Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

adolat24.uz/
t.me/Gazeta_Adolat

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA № 19 (1587) 2026-YIL 15-MAY, JUMA




# РИЁСИЗ СЎЗЛАР

## МУҚАДДИМА

Ҳақиқий ёзувчи-шоирлар ҳақиқатни ёзишни хуш кўради.

Дунёнинг қайси бир четидаги адолатсизлик уларга худди ўзининг уйида рўй бераётгандек туюлади. Қайдадир адолатнинг барқарорлиги ёки ғалабаси уларнинг руҳиятини кўтаради. Улар ҳар бир яхши одамнинг муваффақиятидан қувонади, одамларнинг муаммолари эса уларнинг ҳам дардига айланади.

Улар – ватанпарвар. Ҳар ҳолда Ўзбекистонда худди шундай. Ватаннинг гуллаб-яшнаши, ижобий ўзгаришлар ҳар бир фуқаронинг ҳаётини юксалтириш сари қўйилган қадам эканини теран ҳис қиладилар, кайфиятлари кўтарилади. Худога минг шукрки, бу ўзгаришлар ҳар соатда, ҳар куни рўй бериб турибди. Бутун мамлакат ҳаракатда. Энг муҳими, бу ислоҳотлар жайдари тусда эмас, балки жаҳоннинг энг илғор технологиялари асосида олиб борилмоқда. Шароитлар яратилгани туфайли инвестициялар бемалол кириб келяпти. Ривожланиш шиддати бутун мамлакатни қамраб олган.

Қалам аҳли бу ва кўплаб бошқа ютуқлардан бохабар. Муаммоларни бартараф этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни ҳам мудом сезиб туради.

Яқинда бир гуруҳ ижодкорлар билан қўшни дўст мамлакатда сафарда бўлдик. Бир кеч ўз-ўзидан бадиҳа давра тузилиб, суҳбат гуриллаб кетди. Аввал мезбон мамлакатни Ўзбекистон билан таққос қила бошладик. Бараварига “Биз олдинга кетибмиз” деган хулосага келдик! Бугунги Ўзбекистон ҳақида гаплашдик. Мен етмиш олти йил умр кўрганимни, аммо халқимиз ҳеч қачон бундай яйраб яшамаганини айтиб қолдим. Даврадагилар бу гапимни ҳам бир оғиздан тасдиқлади. Ҳа, шундай! Ҳеч қачон бундай яшамаганмиз!

Юракларни фахр билан тўлдирган бу эътирофлар қачон кўнглимизни тўлдирди?

Ахир биз эътироф этган ютуқлар ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ-ку!

Унинг ортида кимнинг меҳнатию заҳмати, бетиним ҳаракати ётибди?

Мамлакатимизнинг барча ҳудудида ёйилган бунёдкорликка ким ғайрат-шижоат бағишлаяпти?

Саволларга жавоб битта: бу оламшумул зафарларнинг ортида бир кишининг, ҳа, бир кишининг – Ўзбекистон Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг фидокорлиги турибди.

Оз эмас, кўп эмас, Янги Ўзбекистонни қурмоқчи бўлган шу азамат инсоннинг мисли кўрилмаган фидокорлиги!

Мен бу инсон ҳақида кўп ўйладим. Охири, бу одам ҳақида ёзмасам, адолатдан бўлмас экан деган қарорга келдим.

Йўқ, хушомад қилиш ниятим йўқ. Нимага хушомад қиламан? Ёшим бир жойга борган бўлса, мукофоту унвонларни ҳам ҳеч кимга ликилламай олган бўлсам...

3-4

## “ОИЛАЛАР МУСТАҲКАМЛИГИНИ КАФОЛАТЛАЙЛИК” АКЦИЯСИ

“Адолат” СДП ташаббуси билан республика миқёсида “Оилалар мустаҳкамлигини кафолатлайлик” акцияси амалга оширилмоқда. Партия, Адлия вазирлиги, Маҳаллалар уюшмаси ҳамда “Нуроний” жамғармаси ҳамкорлигида йўлга қўйилган акция жорий йилнинг 22 апрелидан 22 майигача республиканинг барча ҳудудларидаги маҳалла ва ташкилотларда ўтказилади.

Ундан кўзланган асосий мақсад – маҳаллалардаги низоли, нотинч ёки аёллар ва болалар хавфсизлиги таҳдид остида бўлган хонадонларни ўз вақтида аниқлаш, зўравонликка мойил шахслар билан профилактик суҳбатлар ўтказиш ҳамда оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришдан иборатдир.

2







“Шенген визаси”ни қўлга киритиш ўзбекистонлик сайёҳлар учун ёқимли бир тушдек эди гўё. Бугун эса мамлакатимиздаги очиқлик сиёсати, ташқи ва ички сиёсатимиздаги барқарорлик, сиёсий ирода ва ишонч сабаб биздек оддий ўзбекистонликларга дунёнинг эшиги кенг очилмоқда. Менинг Словакия, Австрия, Италия, Германия, Швейцария ва Франциянинг йирик шаҳарларига қилган тўққиз кунлик қисқа сафарим ҳам ана шу ўзгаришлар самараси бўлганини ич-ичимдан ҳис қилдим.

5

## ДЕПУТАТНИНГ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИ:

### БОЛАЛАР ХАВФСИЗЛИГИДАН – МАҲАЛЛА ОБОДЛИГИГАЧА




Депутатларнинг бундай йирик объектларни назорат қилиши қурувчи ташкилотлар зиммасига масъулият юклайди ҳамда аҳолининг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди. Зеро, уй-жой – оддий иморат эмас, балки оила учун хавфсизлик ва хотиржамлик манбаидир. Унинг ҳар бир кўрсаткичи депутат назоратидан ўтиши – фуқаро манфаати давлат сиёсатининг марказида туришининг яна бир исботидир.

6



# “ОИЛАЛАР МУСТАҲКАМЛИГИНИ КАФОЛАТЛАЙЛИК” АКЦИЯСИ

## ҳудудларда ҳуқуқий маданият, ижтимоий ҳимоя ва маънавий масъулиятни юксалтиришга хизмат қилмоқда

Ҳар бир жамиятнинг қанчалик барқарорлиги, аввало, ундаги оила институтининг соғлом ва мустаҳкамлиги билан ўлчанади. Боиси, инсоннинг феъл-атвори, маънавий дунёси, ҳуқуқий онги, атрофдагиларга муносабати, меҳнатга ва Ватанга садоқати дастлаб оила бағрида шаклланади. Шу маънода, оила фақат икки инсоннинг никоҳ асосидаги иттифоқи эмас, балки бутун жамиятнинг маънавий иқлими, ижтимоий фаровонлиги ва келажак авлод тарбияси учун масъул бўлган энг муҳим ва энг таъсирчан ижтимоий бўғинидир. Айнан шу ҳаётий ҳақиқатни кун тартибига олиб чиқиш мақсадида “Адолат” СДП ташаббуси билан республика миқёсида “Оилалар мустаҳкамлигини кафолатлайлик” акцияси амалга оширилмоқда. Партия, Адлия вазирлиги, Маҳаллалар уюшмаси ҳамда “Нуроний” жамғармаси ҳамкорлигида йўлга қўйилган акция жорий йилнинг 22 апрелидан 22 майигача республиканинг барча ҳудудларидаги маҳалла ва ташкилотларда ўтказилади.

Ундан кўзланган асосий мақсад – маҳаллалардаги низоли, нотинч ёки аёллар ва болалар хавфсизлиги таҳдид остида бўлган хонадонларни ўз вақтида аниқлаш, зўравонликка мойил шахслар билан профилактик суҳбатлар ўтказиш ҳамда оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришдан иборатдир.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, акция фақат маъруза ёки умумий мажлислардан иборат бўлмай, қисқа фурсатда давлат, жамоат ташкилотлари, маҳалла институти, нуронийлар, депутатлар, ҳуқуқшунослар, тиббиёт ходимлари ва фаол ёшларни бирлаштираётган комплекс ижтимоий-профилактик платформага айланди. Зотан, партия оила масаласига оқибатлар билан курашиш эмас, балки муаммонинг илдизларини топиш, низони эрта босқичда бартараф этиш, ҳуқуқий саводхонлик ва жамоатчилик назоратини уйғунлаштириш нуқтаи назаридан ёндашмоқда.

Жумладан, **“Адолат” СДП Сирдарё вилояти кенгаши ва Гулистон шаҳар кенгаши ҳамкорлигида** вилоят Қон қуйиш станциясида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирлар акциядан кўзланган мақсадлар қамровини янада кенгайтирди. Вилоят ва Гулистон шаҳар кенгаши вакиллари, тиббиёт ходимлари ҳамда фаол ёшларни жамлаган учрашув давра суҳбатлари ва очиқ мулоқотлар билан бирга шахмат, шашка ва стол тенниси бўйича мусобақалар билан давом этди.

Бу ёндашув акциянинг тарғибот услуби фақат расмий чиқишлардан иборат эмаслигини кўрсатди. Чунки оилавий барқарорлик ҳам худди спортдаги каби сабр, қоидага ҳурмат, ўзини тута билиш, шерикни эшитиш ва умумий мақсад учун ҳаракат қилиш маданиятини талаб этади. Тадбирда оилаларда соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, фарзанд тарбиясида ота-онанинг масъулиятини ошириш, оилавий ажримларнинг олдини олиш, гендер тенглигини таъминлаш, хотин-қизлар бандлиги ва тадбиркорлигини ривожлантириш масалалари бир бутун тизим сифатида муҳокама қилинди.

**Андижон вилояти** ОИТСга қарши курашиш марказида ташкил этилган давра суҳбати “Оилада аёлнинг ўрни мустаҳкам бўлсин” ғояси атрофида ўтди. Бу учрашув оила институтида аёлнинг ўрни масаласини алоҳида ижтимоий-фалсафий даражага олиб чиқди.

Иштирокчилар таъкидлаганидек, оила мустаҳкамлиги ҳақида сўз кетганда, кўз олдимизга биринчи навбатда аёл – она сиймоси келади, фарзандлар тарбиясини хотин-қизлар иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу билан бирга, тадбирда жамиятимизда ҳали-ҳамон учраб турадиган – оиладаги ҳар қандай муаммо учун аёлни айбдор қилиш, хотин-қизларга паст назар билан қараш каби иллатлар кескин танқид қилинди.

Тадбирда таъкидланганидек, оиладаги барқарорлик аёл зиммасига бир томонлама юклаб қўйиладиган масъулият эмас. У эр-хотиннинг ўзаро ҳурмати, фарзанд олдидаги тенг бурчи, ота-она ва жамоатчиликнинг оқилона маслаҳати, ҳуқуқий маданият ҳамда иқтисодий имкониятлар уйғунлигидан вужудга келади.

**Хўжаобод туманида** ўтказилган тадбир акциянинг энг таъсирчан ва амалий натижаларидан бирини намоён этди. “Адолат” СДП ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан ташкил этилган давра суҳбатида партия фаоллари, хотин-қизлар қўмитаси вакиллари, ҳуқуқшунослар, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, оила қуриш арафасида турган ёшлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар. Учрашувда оилавий муносабатларда масъулиятни кучайтириш, никоҳнинг қонуний асосда қурилиши, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш ва жамиятда соғлом муҳитни қарор топтириш масалалари кенг муҳокама қилинди.

Тадбирда вояга етмаган қизларни мажбуран турмушга бериш каби салбий ҳолатларга нисбатан қонунчилик асосида жавобгарлик чораларини янада кучайтириш зарурлиги ҳам алоҳида қайд этилди.

Хўжаобод тадбирининг энг муҳим натижаси эса ҳужжатларда ёки рақамларда эмас, аниқ инсонлар тақдирида акс этди. Шу куни ажрим остонасига келиб қолган икки оила вакиллари билан алоҳида суҳбат ўтказилди. Мутахассислар ва фаоллар олиб борган тушунтириш ишлари ўз самарасини берди – ҳар икки оила яраштирилди.

Акциянинг кенг қамровли эканини намоён этган навбатдаги тадбир – **Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги “Бека Чарос” хусусий корхонасида бўлди.** “Адолат” СДП Пастдарғом туман кенгаши ташаббуси билан партиянинг “Бир адолатчи – юз аёлга ҳимоячи” лойиҳаси ҳамда “Оилалар мустаҳкамлигини кафолатлайлик” акцияси доирасида ўтказилган учрашувда депутат Гулбека Қўчқорова, “Маҳаллалар уюшмаси” туман бўлими масъуллари ва корхонада фаолият юритаётган хотин-қизлар иштирок этдилар.

Учрашув давомида аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оилаларда соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва жамиятдаги фаоллигини кучайтириш масалалари кенг муҳокама қилинди.



**Тошкент вилояти Қибрай туманида** ўтказилган тарғибот-ташвиқот тадбирида никоҳланувчи ёшлар билан очиқ мулоқот қилиниб, соғлом ва барқарор оила муҳитини шакллантиришга бағишланган семинар-тренинг ташкил этилди.

Тадбирда туман адлия ва ички ишлар бўлимлари вакиллари, Оила ва хотин-қизлар бўлими ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими фаоллари иштирок этди.

Тадбир туман ФҲДЁ бўлимида никоҳланувчи ёшлар билан очиқ мулоқотдан бошланди. Мутахассислар назарий тушунтиришлар билан чекланмай, ҳаётий мисоллар ва амалий тажрибалар орқали оилавий ҳаётнинг ҳуқуқий асослари, эр-хотиннинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари, масъулият ҳамда ҳурмат масалаларини тушунтириб бердилар.

Сўнгра “Оилалар мустаҳкамлиги – жамият тараққиётининг пойдевори” мавзусидаги семинар-тренинг ўтказилди. Уни “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Абдукамол Рахмонов очиб берди.

Туман адлия бўлими бошлиғи в.в.б. Собир Авлақулов диний расм-русмга асосланган, лекин қонуний расмийлаштирилмаган никоҳнинг хотин-қизларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоясиз қолдириши ҳақида тўхталди. “Янгиобод” МФЙ хотин-қизлар фаоли Мавлуда Ҳасанова эрта никоҳ ва эрта туғруқнинг аёл саломатлигига, бўлажак фарзанд тақдирига етказадиган зарари ҳақида сўз юритди. Туман ФҲДЁ бўлими мудираси Азизахон Ташходжаева қонунчиликдаги никоҳ масалаларини, “Зебунисо” МФЙ бош инспектори Меҳриддин Маллаев эса хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш йўлларини тушунтирди.

Асосийси, тадбир маъруза тарзида ўтмади. Ёшлар ўртасида викторина ташкил этилиб, унда зўравонлик учун белгиланган жавобгарлик чоралари ва ижтимоий ҳимоя механизмлари амалий тарзда тушунтирилди. Бундай интерфаол усулда тушунтиришлар қонунларнинг ёшлар онгида мустаҳкам ўрнашишига хизмат қилди.

Тадбир сўнггида таъкидланганидек, мустаҳкам оила нафақат ҳар бир инсон бахтининг, балки бутун жамият барқарор тараққиётининг пойдеворидир. Бу пойдеворни мустаҳкамлаш эса бугун никоҳ остонасида турган ёшларнинг онгли танловидан бошланади.

**Пойтахтимизнинг Янгиҳаёт туманид**аги 329-сонли умумий ўрта таълим мактабида партиянинг “Оилалар мустаҳкамлигини кафолатлайлик!” акцияси доирасида “Мустаҳкам оила – инсон қадри ва қонун устуворлигининг муҳим омили” мавзусида тарғибот-ташвиқот тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад – Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-33-сонли Фармонида белгиланган вазифалар ҳамда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни ота-оналар ва ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, шунингдек, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда маҳаллаларда истиқомат қилувчи низоли ва нотинч хонадонларни аниқлаш орқали оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга кўмаклашишдан иборат бўлди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раҳбарияти, Марказий аппарати фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва “Нуроний” жамғармаси масъул ходимлари, “Замондош аёллар” клуби ҳамда “Ёш адолатчилар” ҳаракати фаоллари, маҳалла аҳолиси, мактаб ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Ислом Ҳамроев партиянинг оила институтини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ҳамда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги изчил саъй-ҳаракатлари ҳақида тўхталди.

Шундан сўнг Қонунчилик палатаси депутати Зиёдбек Юнусов “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш – кучли жамият ва мустаҳкам оила асоси” мавзусида чиқиш қилди. Янгиҳаёт тумани Адлия бўлими бошлиғи Шерзод Ишонқулов фуқароларни оила-никоҳ соҳасидаги қонунчилик нормалари билан таништирди.

“Нуроний” жамғармаси Республика бошқаруви бўлим бошлиғи, фалсафа фанлари доктори, профессор Нодира Мусаева “Мустаҳкам оила – барқарор жамият таянчи” мавзусидаги маърузаси билан иштирокчилар эътиборини тортди. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бўлим бошлиғи Гулнора Йўлчиева эса “Оилаларда соғлом муҳитни шакллантиришда маҳалланинг ўрни” мавзусида сўз юритди.

Тадбир давомида савол-жавоб ва эркин муҳокамалар ўтказилиб, иштирокчиларни қизиқтирган масалалар юзасидан батафсил жавоблар берилди.

Шунингдек, тадбир доирасида Янгиҳаёт тумани “Ташаббус” маҳалла фуқаролар йиғинида сайёр фуқаролар қабули ташкил этилди. Қабул чоғида фуқароларнинг мурожаатлари тингланиб, уларга малакали ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

*Мухтасар айтганда, “Оилалар мустаҳкамлигини кафолатлайлик” акцияси ҳудудларда оилавий қадриятларни асраш, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ёшларни масъулиятли ҳаётга тайёрлаш, ажримларнинг олдини олиш ва маҳаллаларда соғлом маънавий муҳит яратиш йўлида муҳим ижтимоий ҳаракатга айланмоқда.*

*Бу ҳаракатнинг марказида – инсон, оила ва адолат туради. Сирдарёда спорт мусобақалари орқали соғлом муҳит ғояси тарғиб этилгани, Андижонда аёлга муносабат масаласи танқидий таҳлил қилингани, Хўжаободда икки оиланинг ярашувига эришилгани, Пастдарғомда меҳнат жамоасидаги хотин-қизлар билан очиқ мулоқот ўтказилгани ҳамда Иштихонда қизларнинг таълими ва онгли никоҳи ҳақидаги ғоя кенг тарғиб этилгани – буларнинг ҳар бири акциянинг турли қирраларини намоён этади. Бироқ уларни бирлаштириб турган умумий ғоя битта: оила мустаҳкамлиги фақат хонадон ичида ҳал бўладиган масала эмас, балки бутун жамиятнинг маданий савияси, ҳуқуқий онги ва ижтимоий масъулияти билан белгиланадиган умуммиллий вазифадир.*

*Оила мустаҳкам бўлса, маҳалла тинч бўлади. Маҳалла тинч бўлса, жамият барқарор бўлади. Жамият барқарор бўлса, тараққиёт илдизи чуқурлашади.*

*Шу боис бугун ҳар биримиз бир ҳақиқатни англашимиз зарур: оилани асраш – келажакни асраш, аёлни қадрлаш – жамиятни юксалтириш, фарзандни ҳимоя қилиш – Ватан эртасини мустаҳкамлаш демакдир.*

**“Адолат” СДП Матбуот хизмати**

Муносабат

ASIAN WOMEN'S FORUM 2026 Bukhara



# Аёлга эътибор – барқарор ривожланиш кафолатидир

Ҳар қайси даврда хотин-қизларнинг ижтимоий мавқеи, уларга бўлган муносабат ва яратилган имкониятлар ўша халқнинг маънавий қиёфаси, маданият даражаси ҳамда давлатнинг тараққиёт пойдеворини белгиловчи асосий мезон бўлиб келган.

**Робахон МАХМУДОВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Сиёсий Кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги партия фракцияси
раҳбари**

Зеро, аёлни эъзозлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш нафақат ижтимоий вазифа, балки келажак авлодлар камолоти ва барқарор жамият барпо этишнинг бош шартидир.

Шу нуқтаи назардан, Президентимизнинг Осиё хотин-қизларининг иккинчи форуми иштирокчиларига йўллаган мурожаати Янги Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлаш, аёлларни миллий юксалишнинг фаол иштирокчисига айлантириш борасидаги чора-тадбирларнинг амалий ифодаси бўлди.

Мурожаатда илгари сурилган концептуал ғоялар қитъамизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда уларнинг бунёдкорлик салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш йўлидаги қатъий қадамларни янги босқичга олиб чиқиши билан ғоят аҳамиятлидир.

**"Бугун Осиё қитъасида истиқомат қилаётган 5 миллиардга яқин аҳолининг қарийб ярмини аёллар ташкил этади. Биз уларнинг тимсолида нафақат нафосат соҳибаларини, балки мамлакатларимиз тараққиётини жадаллаштириш, халқлар фаровонлигини юксалтириш ва адолатли дунёни барпо этиш йўлидаги улкан бунёдкор кучни кўрамиз",** – деди халқаро форум иштирокчиларига йўллаган мурожаатида давлатимиз раҳбари.

Таъкидланганидек, аёлга эътибор, аввало, инсон шахсига бўлган юксак эҳтиром намунасидир. Бугунги кунда янги таҳрирдаги Конституция ва “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам институционал асослари яратилди.

Бу эса аёлларнинг жамиятдаги ўрнини сиёсий даражада мустаҳкамловчи ҳаётий кафолат бўлиб хизмат қилмоқда. Амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар натижасида давлат бошқарувида аёллар улушининг 35 фоизга етгани қарорлар қабул қилиш жараёнида инклюзивликни таъминламоқда.

Шунингдек, магистратурада таҳсил олаётган хотин-қизлар сонининг 11 каррага ошгани миллатнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш йўлидаги стратегик ютуқдир. Мамлакатимизнинг “Парламентдаги аёллар” халқаро рейтингида 193 та давлат ичида 35-ўринга кўтарилгани эса Ўзбекистон тажрибаси жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётганидан далолат беради.

Мурожаатда Президентимиз томонидан илгари сурилган сунъий интеллект ва рақамли технологиялар бўйича янги платформа ташкил этиш таклифи хотин-қизларнинг нафақат иқтисодий мустақиллигини таъминлашга, балки уларни юқори технологик соҳаларда етакчи мутахассисларга айлантиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, 15 май — Халқаро оила куни арафасида оилавий қадриятларни асраш бўйича илмий муассасалар тармоғини шакллантириш ғояси ҳам ниҳоятда долзарбдир. Бу замонавий аёл тимсолида фаол жамият аъзоси ҳамда оила қўрғонининг мустаҳкам устуни бўлган меҳридарё она сиймосини уйғун ҳолда кўриш имконини беради.

Айтиш мумкинки, мазкур форум Осиё минтақасида хотин-қизларнинг ролини янги босқичга олиб чиқишда муҳим мулоқот майдони бўлмоқда. Бу галги анжуман ҳам келгусида минтақа мамлакатлари ўртасида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, гендер тенглик тамойилларини қарор топтириш ва барқарор тараққиёт йўлида янги стратегик ташаббусларни ҳаётга татбиқ этишга йўл очиши, шубҳасиз.

1

Бу ислоҳотлар бошланганда мамлакат қай аҳволда эди?

Одамлар қандай яшаётган эди?

Ўзимнинг бошимдан ўтказганларимни бир эслай.

Мен кўп қаватли уйда яшайман. Уйимиз неча-неча қишлар бўйи исимасди. Бир фарзандим кейинчалик "Шу уйда бир умр совуқ қотиб улғайдик", деб эслади.

Нафақага чиқдим. "Ишласанг, нафақангнинг ярми тўланади", дейишди. Нима дейман? Хўп-да... Кўпга келган тўй.

Маош ҳемири. Ярим пенсияга қўшиб, ойдан ойга аранг етказамиз.

Тўлов пластик картаси билан боғлиқ машмашаларни-ку, айтмай. Дўконга борасан. Керакли молнинг нархини сўрайсан. "Нақд олсангиз, саксон сўм, пластик карта билан тўласангиз, юз...".

Деновда – бозорнинг нақ ўртасида "пластик карталардаги пулни нақдга алмаштириш пункти" очилди. Ўта безбет шаклда – юз сўм ечиб олишса, саксон сўм қўлингга беришади. Энг даҳшати, бу "пункт"нинг бундай ҳоллар юз бермаслигини назорат этувчи ташкилотларнинг одамлари юритди. Додингни кимга айтишни билмайсан...

Бу лўттибозликлар бутун халқ кўз ўнгида рўй берди. Ҳеч ким миқ этолмади. Қўрқув. Бу қўрқувдан яралган тақдирсизлик – эртани ўйлашдан чўчиш – мудом елкадан тошдай босиб турди.

Қарз кўтардим. Долларда қарз берганларга долларда қайтариб бериш керак. Банк кассаларининг ёнига ҳам боролмайсан. Банклар долларни сотувга чиқариб, ўзи сотиб олиб ётибди. Одамларини қўйиб қўйган – аллақандай шанғи хотинлар...

...ган юртим Сурхондарёда рўй берган машъум воқеаларнинг бир қисминигина эслаяпман.

Авж олган муаммоларни бартараф этиш йўлларини ҳеч ким билмасди.

Бироқ Парвардигор билгувчидир! У мамлакатни ривожланиш сари йўналтириш учун нима қилиш кераклигини аниқ билди.

Мамлакат Президентлигига Шавкат Миромонович Мирзиёев сайланди ва… бирдан мўъжизаларга ўхшаш ҳодисалар рўй бера бошлади.

Айтиб ўтганим – кўргиликлар битта-битта ечимини топиб кетаверди. Тўлов пластик карталари рисоладагидай ишлай бошлади. Пенсиялар тўлиқ бериладиган бўлди. Банклар янгича ишлаш тизимига ўтди: хоҳласаларинг, мана сўм, истасаларинг доллар, марҳамат... Сурхондарёдаги одам қиёфасидаги ҳайвонлар ҳам жазосини олди. Аммо бу ечимларни топиш учун қанчалар сабот ва жасорат керак бўлгани фақат ва фақат Шавкат Миромоновичнинг бир ўзига аён. Ахир қаламга олганим ҳодисалардан ташқари, унинг зиммасида яна қанча-қанча ташвишлар бор эди.

Биргина Сурхон халқини зор қақшатган мустақилликнинг зараркунандалари шайкасини тугатиш нақадар қийин бўлганини тасаввур қиламан. Ахир улар осмондан тушмаган – бу гумроҳларни Тошкентдаги мартабаси баланд, бели бақувват, бировни назар-писанд қилмай-

Мустақилликдан кейин эса, хабарингиз бор, бундай текширувлар янада авж олди. Энди ҳар бир вилоят ўртасида сунъий тўсиқлар — постлар ўрнатилди. Бу ҳолат халқимизнинг мамлакатимиз бўйлаб эркин ҳаракатланишига халал берадиган ортиқча машмаша эди. Паспортни унутган бўлсангиз, бу постлардан ўтишнинг ягона йўли – имконини топиб, "посбон"ларга пора бериш эди... Бошқа иложингиз йўқ. Назаримда, бу постлар худди шундай вазият яратиш учун қўйилган тузоқ эди...

Сурхондарёда эса бу ҳолат йўловчини жиддий таҳликага соладиган даражада мураккаб эди. Вилоятга киришда – Дарбанд постида худди хорижга кетаётганингиз каби бор-йўғингиз тинтилар, юкларингиз эса лентага солиниб, лазерли ускуналар ёрдамида кўздан кечириларди. Бу ҳам етмагандек, жомадону сумкалар ҳам очдирилиб, текшириларди... Тинтув. Хуллас, пора бермасангиз, қутулиб бўпсиз. Термизга ва Сариосиёга кираверишда яна шу ҳолга дуч келинар эди.

Бу тўсиқларнинг ҳаммаси Шавкат Миромоновичнинг бир шашти билан йўқ бўлди.

Чангу ғуборга қоришган Термиз ҳам бирдан ўзгара бошлади.

Ҳозир бу шаҳар кўчаларининг икки четида манзарали дарахтлар соя ташлаб турибди. Кетгунича ям-яшил чимзор. Гуллар ажиб дид билан экилган. Яқинда меҳмонхонадан маши-



# РИЁСИЗ СЎЗЛАР





Бозорга борасан. Ҳар қадамда "долларчи"лар шайкаси... Долларнинг нархи расмий курсдан икки баробар баланд. Кўр бўлиб оласан.

Сурхондарёда ғалла етиштирган бир тадбиркор менга учрашиб, ғалласини топширганини, аммо ҳақини еб кетишганини айтди. Мен бир-икки амалдорга айтган бўлдим. Бирор натижа чиқмади. Тадбиркор шу хўрликнинг жабридан ўлиб кетди...

У-бу жойлардаги ўзгаришлар одамларнинг дастурхонига етиб келмади. Мамлакатни фирибгарлар босди.

Бу ишга қарши курашиши зарур бўлган ташкилотлар давлат ичида давлат туздилар. Одамлар устидан зўравонлик жорий этилди.

Масалан, Сурхондарёда хавфсизлик хизмати аллақандай фашистик (бошқа сўз уларнинг қилмишини ифодалаб беролмайди) тизим ўрнатди. Одамларни пашша ўрнида кўрмадилар. Хўрладилар, мулкларини тортиб олдилар, мисли кўрилмаган қийноқларга солдилар, ўлдириб ҳам юбордилар. Қийноқларнинг Сталин замонида кечган усулларини қўлладилар. Уларни янада янги "поғона"ларга кўтардилар.

– Тирноқларимни суғуриб олдилар, – деб зориллаб эслайди уларнинг қўлига тушган бир бегуноҳ. – Ҳаммасини баравар суғурсалар ҳам майли эди, ҳар куни биттасини суғурадилар...

Ҳатто ҳокимларга ҳам тазйиқ ўтказилди. Бу юртда улар ҳам ишлашдан безиб қолди.Ноилож ишдан кетиш ҳақида ариза ёздилар.

Мустақилликдан одамларнинг кўнгли қолди.

Битта-ярим танишлар менга ҳам таъна қила бошлади: "Ана сиз орзу қилган истиқлол...".

Рости, мен ҳам бебахт яшадим. Газета-журналларда ёзганларимни нашр этиш нари турсин, исм-фамилиямни ҳам ўчириб ташлайдиган бўлишди. Мен нима қилган эдим? Бир кўрсатувда "Бировлар ҳаром-хариш йўл билан пул тўплаяпти. Пайти келгач, пулини кўтариб, хорижга жўнаб кетади" деган рост гапни айтган эдим, холос. Бу кўрсатув туфайли телевидениедаги неча-неча ижодкорлар жазоланди, ишдан кетди...

Тан олайлик, мустақилликнинг илк даврида янги тизимли мамлакатни бунёд этиш, ночорликдан қутулиш учун бир қадар қаттиққўллик ҳам зарур эди. Аммо мамлакат ривожланиб боргани сари бу қаттиққўллик ўрнини адолат ўлчамларига мос йўриқлар аста-аста эгаллаб бориши кераклиги ҳам барчага аён эди. Бироқ бундай бўлмади. Чунки энг тепадаги одам ҳам найрангбозларнинг қўлида асирдай яшади. Жойларда рўй бераётган, ҳатто ўз оиласида рўй бераётган воқеалардан ҳам ғафлатда қолди. Барча адолатсизликлар сир тутилди.

Юқорида ёзганларимни ҳеч ким рад этолмайди. Уларни бор бўйича кўрсатиш учун эса неча жилдлаб китоблар ёзилса бўлади. Мен фақат бошимдан ўтказганларимнинг ва туғил-

диган ҳомийлари қўллаб-қувватлаб турарди. Бу жиноятчилар тўдасининг кўлами жуда катта – бир-бири билан зич боғланиб кетган, халқнинг манфаати деган муқаддас тушунчани тушида ҳам кўрмаган, одамлар ҳаётини хасдан ҳам арзон билган бедаволардан иборат эди. Аввал мана шу тўданинг боши кесилди. Бу иш осон бўлмади. Бўшангроқ бир одам бўлганда улар билан муросаи мадора этиб кетаверарди. Аммо Шавкат Миромонович бундай қилишни ўзига эп билмади. Чунки ўртада Ватан, халқ тақдири бор эди. Бўлажак Ватанни бундай тўдаларга панжа орасидан қараб эмас, балки бу тоифа ноқислардан тозалаб, покиза ният ва эзгу ҳаракатлар билан яратиш лозимлигини Шавкат Миромонович мудом ҳис этиб турарди.

Ватанни ҳалол одамлар яратишини бу инсон жуда теран тушунади.

Қотиллик иллати юққан бу каслардан эл-юрт озод қилинди. Аввал "тепа"даги, кейин пастдаги қатлам илдизи билан суғуриб ташланди. Бу гаплар айтишга осон...

Мамлакатимиз тарихида ушбу воқеалар кимгадир жуда кичик эпизод бўлиб туюлар, аммо Ватанни халқнинг бошига чиқиб олган бундай жирканч тўдалардан озод этиш учун раҳбаримизга қанчалар матонат ва қатъият керак бўлганини бир тасаввур қилиб кўринг!

Эсимда: бу воқеалар ниҳоясига етказилгач, Президентимиз Сурхонга ташриф буюриб, "Сурхондарё халқи, энди озодсан!" деб элга мурожаат этган эди.

Ҳақиқатан, Сурхондарё эркин нафас олди.

Мен фақат яхши билганим — Сурхондарё ҳақида ёзяпман. Ўзбекистонда эса ўн тўртта маъмурий-ҳудудий бирлик бор. Президентимизнинг улардаги муаммоларни ҳал этишдаги мардонавор саъй-ҳаракатини қаламга олиш учун эса бу мақола кичиклик қилишини сезиб турибман.

2

Одамлар яхшиликка тез кўникади. Бир-икки "Яхши бўлди-е!" деб қувонади-ю, кейин худди ҳамиша шундай бўлгандай ўтиб кетаверади. Назаримда, шундай бўлгани ҳам дуруст! Одамлар одамга ўхшаб яшашни ўрганяпти! Муносиб яшаш мўъжиза эмас, шунчаки ҳар куни биз юзма-юз дуч келадиган воқелик эканига кўникиб боряпмиз-да!..

Аммо мен ривожланиш жараёни шу қадар жадал бораётганидан барибир қувонаман.

Авлиёлар, олимлар маскани бўлган Термиз эсимни билганимдан буён кўримсиз, чанг-тўзонга қоришган, соя-салқиндан йироқ – ёпиқ ҳарбий шаҳарча эди. Унга киришнинг ўзи ҳам бир машаққат – ҳарбийларнинг пости ўрнатилган, ҳар бир йўловчининг паспорти синчиклаб текширилар, агар Сурхондарё ҳисобида бўлмасангиз, ўтиб кўринг-чи!

нада чиқиб, мана шундай гўзал – бир қарич ҳам узилмаган манзарани оралаб, аэропортгача бордим. Хорижий курорт шаҳарчаларни эслатади. Янги қурилган шинам, кўркам иморатлар ҳам ярашиқли. Менга ўқитувчилардан бири "Одамларнинг уй-жойга эҳтиёжи тўлиқ таъминланган, бир хонадонда икки-уч оила тиқилиб яшашдан қутулган", деб қолди. Амалдор эмас, ўқитувчи айтди!

Термиз эса ўсяпти. Баланд-баланд бинолар қад кўтаряпти. Ҳатто шаҳар эркин нафас ростлаб, тиқилмай кенгайиши учун қўшимча ерлар кераклиги кўзга ташланиб қолди. Шавкат Миромонович бу масалани ҳам ҳал қилиб берди – шаҳарга қўшимча жойлар ажратилди.

Ўқувчида "Сурхондарёда фақат Термиз гуллаб-яшнаётган экан" деган таассурот қолмаслиги учун айтиб қўяй, вилоятлардаги барча туманлар ўзгача қиёфа касб этган. Чамаси, беш-олти йил аввал бир гуруҳ санъаткорлар билан Сурхоннинг шимолий ҳудудлари сари кетаётган эдик. Йўлда бир зум чалғибман. Ўзимга келиб қарасам, бир нотаниш шаҳарнинг ёнидан ўтяпмиз. Кўп қаватли уйлар, орасида ораста йўлаклар, дарахтлар, болалар ўйнайдиган майдончалар лип-лип ўтади. Қаерга келиб қолдик? Сурхондарёнинг ҳар бир қарич ерини биламан. Наҳотки, туш кўраётган бўлсам? Бир оз юргач, англадим: бу – Денов. Ҳа, ўзим бошдан-адоқ кезиб-билиб юрганим Денов! Эй Худо! Бу шаҳар ичидаги шаҳар – мўъжиза қачон, қандай барпо бўлди? Шунча тезми? Англадим – бу мўъжиза Президентимизнинг шижоати туфайли бунёд бўлган! Сўнг тасаввур қилдим: мамлакатда қанча туман бор, қанча шаҳар бор, борингки, маҳаллалар бор... Барчасида мана шундай бунёдкорлик кетаётган бўлса керак-да! Кетяпти!

Бутун мамлакатда бундай ёппа бунёдкорликни қайси қудрат ҳаракатга келтиряпти? Бу саволга жавоб аниқ: Шавкат Миромонович Мирзиёев!

3

Мен мажлисларда кам қатнашаман. Мақсад мажлис ўтказишдангина иборат бўлган йиғинлардан ўзимни тортаман.

Аммо яқин кунларда икки мажлисда қатнашиб, вақт қандай ўтганини сезмадим. Завқланиб ўтирдим. Ўзбекистонни севадиган бир ватанпарвар сифатида фахру қувончга тўлдим. Гап Ватанимизнинг бир бўлаги бўлган Сурхондарёнинг эртаси ҳақида кетди. Президентимиз вилоятда 2030 йилга қадар амалга ошириладиган режалар ҳақида сўзлади.

Мажлисда режалар ҳақида шунчаки гапирилмади, балки уни амалга ошириш учун пухта, кўламли ва аниқ тайёргарлик кўрилгани маълум бўлди. Масалан, мана бу тарзда: режа лойиҳаси тайёр, маблағ бор (банк бошлиғи тасдиқлайди ёхуд жаҳондаги қайси инвестор билан келишилгани айтилади), бу режани амалга оширадиган ташкилот ҳам шай турибди. Ишни қачон бошлаш санаси ҳам аввалдан аниқланган. Мутасаддилар яна бир бор мажлис аҳли олдида ахборот берди. Ҳар бир лойиҳада қанча иш жойи очилиши ҳам очиқлаб борилди. Юзлаб, минглаб...

Ҳар бир режа ҳақида сўз кетганда, шу тартиб амалга оширилди. Бирор-бир ишни бажариш орзу сифатида айтилмади. Аксинча, қатъий ишонч билан ахборот берилди.

Бу режаларнинг бир учи хорижга бориб қадалганда эса онлайн тарзда мажлисда қатнашаётган элчиларимиз чет эллик ҳамкорлар ҳозир турганини, Ўзбекистондан имо бўлгач, шу заҳотиёқ учиб боришини маълум қилди. Хорижлик ҳамкорлар ҳам ундай-бундай мамлакатлардан эмас – Хитойдан тортиб, Жанубий Африка Республикасигача!

Шавкат Миромонович ҳеч нарсани унутмади. Президентимиз бугун нима ишларни бажариш лозимлигини, эртага нимани амалга ошириш кераклигини ички – онгости туйғу билан ҳис қилишини шундоқ сезиб турдим.

Каттаю кичик муаммоларнинг ечимини топишда бир хил масъулият билан ёндашишига, баъзан бадиҳаларига ҳам гувоҳ бўлдим.

Мажлисдан аввал бойсунлик – кураш бўйича биринчи жаҳон чемпиони Тоштемир полвон Муҳаммадиев билан ёш курашчилар учун очилган интернат ҳақида суҳбатлашган эдик. Мажлис сўнгроғида Президентимиз ана шу полвонга мурожаат қилиб қолди:

– Сенинг интернатингнинг мактаби йўғ-а?

– Йўқ, — деди полвон.

– Болалар қаерга ўқишга боради?

– Шу атрофдаги қишлоқлардаги мактабларга.

Шавкат Миромонович кўзи билан залдан керакли одамни излаб топди:

– Пулинг бор-а?

– Ҳа, – деб ўрнидан қўзғалди "керакли одам".

– Шу полвоннинг интернатига мактаб қуриб беролasanми?

"Керакли одам" жон деб рози бўлди.

– Биринчи сентябргача тайёр бўлсин! – деди Президентимиз.

Завқланганимдан секингина бўлса-да "Воя", деб юбордим. Ахир Шавкат Миромоновичнинг елкасида қарийб ўттиз тўққиз миллион нуфусли халқнинг ташвиши турибди! Мамлакатда эҳ-ҳе қанча мактаб бор! Энди келиб-келиб, Президентимиз Тоштемир полвоннинг мактаб-интернати муаммосини эслаб ўтирса!..

Йиғинда менга ҳам сўз берилди ва мен бу мажлисни сурхондарёликлар учун байрам деб атадим. Чунки тушунишимча, Ватан деган муҳташам иморат ривожи учун қўйилган ҳар бир ғишт – байрам. Бугун эса қанчадан-қанча ғиштлар қўйилди!

Бу мажлисда айтилган ва келгусида амалга ошириладиган ҳар бир режа туфайли юрт хазинаси қанчалар бойиши, одамлар хонадонига қанчалар файзу барака олиб кириши ҳақидаги рақамларни эслаб ўтирмайман. Чунки улар матбуотда етарлича ёритилди.

Аммо бир қутлуғ хабарни айтмасам бўлмайди.

Йигирма олтинчи апрелда Бойсунга борадиган бўлдим.

Термиздан келадиган йўл манзилга олти-етти километр қолганда юқоридаги мажлисда тилга олинган – бир неча йиллардан буён қурилиши давом этаётган Дарбанд – Денов трассасига қўшилади. Биз бўлажак трассага тушдик. Пишиқ қилиб ишланган бетон йўл. Ғизиллаб кетяпмиз. Фақат икки жойда гавараси кўтарилиб, қурилиши ниҳоясига етмаган кўприкларни айланиб ўтдик, холос. Ичимда "Бир-икки ойда битиб қолар", деб ўйладим.

Тўрт кундан кейин "Бойсун баҳори" фестивалида қатнашиш учун шу йўлдан яна ўтишга тўғри келди. Бу сафар машинамиз тайёр бўлган кўприклар устидан ғизиллаб ўтиб кетди! Ҳа, тайёр бўлган кўприклар устидан! Орадан фақат тўрт кун ўтиб!.. Яна руҳимни қувонч сели босди! Қойил! Ва Термиздаги мажлисда айтилган барча режалар ўз муддатида бажарилишига ишончим комил бўлди.

Президентимиз йиғин сўнггида шу тахлит режалар билан барча вилоятга ва Қорақалпоғистонга борилишини таъкидлаб ўтди! Яна мамлакат келажагини барпо этиш йўлида оммавий жадал ҳаракат! Бир зум бўшашмайдиган, эл дастурхонига барака берадиган режалар. Бу режаларнинг асосчиси Шавкат Миромонович ҳам бир зум тиним билмайдиган, мудом халқ манфаати учун куйиб-ёнадиган инсон! Эзгу ниятларига фариштлар омин дейди! Парвардигор раҳмат эшигини очади!

Мен яқин келажакда юртимизнинг энг илғор мамлакатлар қаторидан ўрин олишига ишонаман. Бу ишончимга қўшилмайдиганлар бўлса, Жаҳон банкининг Ўзбекистоннинг ривожланиш суръати ҳақидаги рақамларига мурожаат этсин. Банк 2026 йилда мамлакатимиз ялпи ишлаб чиқариши суръатини 7,7 фоиз этиб, прогноз беряпти. Хорижлик мутахассисларнинг фикрича, ўн-ўн икки йилдан кейин Ўзбекистоннинг ялпи ишлаб чиқариши триллион доллардан ошар экан! Триллион! Булар осмондан олинган эмас, аниқ фактлар таҳлили асосида юзага келган рақамлар! Кўз тегмасин!

Узр, хорижлик мутахассисларни ҳам хижолат этиб қўйяпмиз! Юқоридаги рақамларни ёзгандан кейин ҳозиргина ўқиб қолдим: ўсишимиз суръати уларнинг тахминидан жуда юқори — 8,7 фоиздан зиёд экан!

4

ADOLAT
Yagona Vatan, yagona xalq bo'lib, yangi hayot va kelajak yaratamiz!
t.me/Gazeta_Adolat
https:// adolat24.uz/

3



# РИЁСИЗ СЎЗЛАР

**4**

Дунёнинг улуғ донишмандлари инсониятни тутиб турган қадриятлар ҳақида охир-оқибат ягона хулосага келган. Инсонлар, халқлар, давлатлар ўртасидаги муносабатларга ўзи ҳам аралашиб, не-не ғавғоларни бошдан ўтказган Алишер Навоий бир куни мана бундай сатрларни битган:

*Олам аҳли, билингизким,*
*иш эмас душманлиғ,*
*Ёр ўлунг бир-бирингизгаки,*
*эрур ёрлиғ иш.*

Бу байт маъносини барча англаб турган бўлса ҳам майли, шарҳлаб қўяй: "Дунё одамлари, – деяпти шоир, – билиб қўйинг: душманлик яхши иш эмас. Бир-бирингиз билан дўст бўлинг, инсонга фақат дўстлик ярашади".

Шавкат Миромонович, назаримда, ҳали Президентлик лавозимига сайланмасдан олдин ҳам "душманлиғ иш эмас" эканини чуқур тушунган. Марказий Осиёдаги қондош-жондош мамлакатлар ўртасида авж олган нохушликларни юраги ачишиб кузатган. У бошқарган Вазирлар Маҳкамасининг вазифаси хўжалик юритиш бўлгани учун қўшнилар билан муносабатимиз ёмонлиги туфайли ривожланиш имиллаётганини теран ҳис қилган. Энг муҳими, бу ғалвалардан одамлар ҳам азобланаётганини ўз кўзи билан кўрган.

Албатта, шундай бўлган! Шу боис, Шавкат Миромонович мамлакат бошқаруви жиловини ўз қўлига олгач, бир зум тин олмай, аввало, қўшнилар билан қардошлик-қариндошлик ришталарини тиклай бошлади. Бу иш қанча оғир-енгил кечгани фақат шу эзгу ниятли одамнинг ўзига маълум. Аммо натижа қутлуғ – қўшни мамлакатларга йўлимиз тушса, Ўзбекистоннинг бир фуқароси сифатида биз ҳам иззат-ҳурмат кўряпмиз.

Сурхондарё вилояти учта мамлакат билан чегарадош. Шўролар даврида, масалан, Тожикистон билан Ўзбекистон ўртасида чегара бор-йўқлиги эсимизга ҳам тушмасди. Термиз ёпиқ шаҳар бўлгани учун Душанбега ҳам учиб бориб, Сурхонга ўтиб кетавердик. Баъзилар каттароқ бозор-ўчарини Душанбега бориб қиларди... Аммо мустақилликдан кейин бир муддат ўтгач, ҳамма ўзига хон, ўзига бек бўлиб олди. Чегарадан ўтиш ушалмас орзуга айланди!

Ҳозир тарихга айланган бошоғриқ бу кунлардан бир шингил воқеани куни кеча ҳикоя қилиб беришди. Сариосиёда яшайдиган бир кекса аёлнинг Регардаги синглиси вафот этганда жигарининг қабрини зиёрат этиш учун саккиз йил уриниб, чегарадан ўтолмаган экан. Регар билан Сариосиёнинг ораси, ҳа борингки, ярим соатлик йўл!

Икки мамлакат ўртасида дўстлик-биродарлик муносабатлари ўрнатилгач, қариндошлар бу узоқ айриликдан сўнг йиғлаб-сиқтаб юз кўришди. Душанбедан шувиллаб машиналар Сурхондарёга келадиган, уч-тўрт сариосиёлик дўстлар "Душанбени бир айланиб келайлик", деб йўлга чиқадиган бўлди. Бир қадам йўл! Эрталаб бориб, кечқурун қайтиб келасиз!

Тожикистонни бошқа ҳудудлар, қўйингки, жаҳон билан боғловчи асосий йўллар юртимиз орқали ўтади! Энди бундай имкониятларга эга тожик халқининг хурсандлиги нечоғлик бўлганини тасаввур этинг!

Шу сабабдан Шавкат Миромонович бу қўшниларимиз юртига ташриф буюрганда, Эмомали Раҳмон саҳнадан туриб, ҳазил аралаш жуда зўр лутф этган эди: "Булар, – деди у зални тўлдириб ўтирган тожик халқи вакилларига ишора этиб, – сизни мендан ҳам ортиқ яхши кўради!". Мана ҳурмат! Мана қардошлик!

Президентимизнинг бу ташрифидан сўнг бир муддат ўтгач, беш-олти ёзувчи жам бўлиб, Душанбега бордик. Мақсадимиз Бойсунда туғилган дўстимиз, Тожикистон халқ ёзувчиси Саттор Турсун вафоти муносабати билан яқинларига ҳамдардлик билдириш эди. Ёз кунлари. Эгнимизда ёзлик энгил-бош... Аэропортда эса бизни ўн-ўн беш чоғли киши – оппоқ кўйлак, қора костюм-шим кийган тожик дўстларимиз кутиб олди. Эртаси куни кутилмаганда Тожикистон Ёзувчилар уюшмасида қардош адабиётларимиз алоқалари ҳақида конференция ўтказилди. Яна ҳамма ўша расмий кийимда. Кўчада эса ёз... Биродарлар, бу тарзда мажлиснинг номини иззат-икром дейдилар! Ўзбекларга иззат-икром!

Бизни Сурхондарёга олиб кетгани юртимиздан оғайнилар келди. Мен йўлда қандай кетсак бўлади, автомобилларни ҳайдовчилар қайси тезликда ҳайдаса маъқул, милисалар тўхтатса, қандай муомала қилиш керак деб сўраб қолдим. Ҳар ҳолда машиналаримиз рақами Ўзбекистонники-да! Тожик дўстларнинг жавоби мени ҳайрон қолдирди:

– Ҳар қандай тезликда ҳайдайверинглар! Милисалар тўхтатмайди! Президентимиз "Ўзбеклар менинг меҳмоним – уларга ҳеч ким тегинмасин", деб юқори минбарда айтган!

Қалай?

Бу гаплар ўзбек халқига ҳурматнинг энг чўққиси эди.

Икки халқ ўртасидаги бу иззат-ҳурматнинг қайтиши, янада юқори даражага кўтарилиши Шавкат Миромоновичнинг жонкуярлиги, самимий – дипломатик маҳорати ва инсоний фазилатлари билан боғлиқ эди.

Яқинда атоқли ўзбек шоири Шавкат Раҳмон таваллудининг 75 йиллигини нишонлаш учун Ўш шаҳрига бир гуруҳ ижодкорлар билан йўлга чиқдик. Илгари ҳам Ўш сафарида бўлганман. Чегара машмашаларини ўйлаб, кўнглим хижил бўлиб бораётгандим. Аммо безовталикка ўрин йўқ экан. Ўзбекистон фуқаролигига оид ҳужжатларимизни кўрсатиб, бемалол ўтиб кетавердик. Қирғизлар ҳам юртимизга шундай кириб келяпти.

Бу бемалолликни яратган, икки халқ ўртасида ишонч ва ҳақиқий дўстликни қайта барпо этган инсонларни алқадик. Ахир, бу икки қўшни халқ ўртасидан нималар ўтмаган эди!

Шавкат Раҳмоннинг юбилейига бағишланган ижодий кеча ниҳоятда баланд савияда ўтди. Мажлисда Қирғизистон ҳукуматининг бош котиби, нуфузли ТУРКСОЙ ташкилоти раҳбари, Ўш шаҳри ҳокими қатнашди ва нутқ сўзлади. Шавкат Раҳмон ўқиган мактабга ва шаҳарнинг катта кўчаларидан бирига шоир номи берилди.

Албатта, бу катта шоир шундай эҳтиромга арзийди. Шубҳа йўқ. Аммо барибир бу самимий эҳтиромнинг сабабчиси Шавкат Миромонович эканини ҳам ҳар дақиқада ҳис қилиб турдик.

Камина Қозоғистон сафарида бўлганимда дўстларнинг худди шундай меҳрига дуч келдим. Бир эмас, бир неча мукофот билан тақдирландим. Ҳатто хорижий бир мамлакатнинг адабий мукофоти ҳам қозоқ дўстларимизнинг тавсияси билан менга топширилди. Агар муносабатларимиз аввалдагидай ғаразли кечганда, шундай ҳол рўй берармиди?!

Марказий Осиё халқлари ўртасидаги бу иттифоқчиликнинг, бағрикенгликнинг ва меҳру муҳаббатнинг бош меъмори Шавкат Миромонович эканини ҳозир барча кўриб турибди. Хорижликлар ҳам бу минтақани ривожланиш сари бошлаб борадиган куч сифатида Ўзбекистонга қарамоқда.

Мен, асосан, азалий яқин қўшниларимиз билан муносабатлар ҳақида ёздим. Ҳар куни ўзгараётган бу чигал дунёдаги бошқа мамлакатлар билан муносабатларимиз ҳам айтишга арзигулик эканини таъкидлаб ўтмоқчиман. Масалан, Афғонистон билан етарли даражада алоқалар ўрнатганмиз. Ахир бу мамлакат орқали океанларга чиқиш орзумиз бор!.. Ҳозир шундоқ Амударёдаги кўприкдан ўтиб, ўзбек тупроғига қадам қўйилган жойда "Ўзбекистон – Афғонистон чегара олди савдо ҳудуди" бунёд этилган. Қатор-қатор дўконлар, меҳмонхоналар, ошхоналар... Савдо-сотиқ авжида. Ҳудуд тўлиб-тошиб кетяпти. Президентимиз бу ҳудудга яна қўшимча ер ажратиш ҳақида топшириқ берди.

Албатта, бу ён қўшниларимиз ҳам Ўзбекистон раҳбари шаънига илиқ сўзлар айтгани-айтган...

Дунёда ҳақиқий обрўга эга бўлиш осон иш эмас. Бу рутбага истеъдодли, ўзини аямай меҳнат қиладиган, фаросатли, бошқаларнинг ҳам манфаатини ҳурмат этадиган, ўз мамлакатини ҳам жонидан яхши кўрадиган сиёсий арбобларгина сазовор бўлади.

Мана шундай обрўга эга бўлганлардан бири эса бизнинг Президентимиз – Шавкат Миромонович! Ҳа, ўзимизнинг Президентимиз!

**Усмон АЗИМ,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

**5**

Мамлакатимиздаги ўзгаришларнинг оқими жуда катта. Уларнинг ҳаммаси "Мен – ўзбекман!" деганларни қувонтиради.

Масалан, кейинги ойлардагина рўй берган қатор янгиликлар ҳали-ҳануз мени ҳайратга солиб келяпти.

Агар икки-уч йил аввал биров "Барчамизнинг жонимизга теккан шу пахтадан саксон-тўқсон центнердан ҳосил олинади", деса, камина "Қўйсанг-чи", деб кулиши аниқ эди. Аммо худди шундай бўлди! Яна қаерда денг? Сирдарёда! Бу вилоятда талабалигимда пахта терганман. Ўртача йигирма центнердан ҳосил олинса, дўппи осмонга отиларди! Энди эса... Одам ишонмайди. Ҳатто деҳқонларнинг ўзи ҳам чаноқлар бошдан-адоқ очилган пахтазорга қараб, ҳайрат билан гапирганига гувоҳ бўлганман. Хориждан уруғлик келтирилдими? Келтирилди. Аммо ўзимиз ҳам қараб турганимиз йўқ. "Порлоқ" навли ғўзамиз хорижий навлардан ортиқ бўлса ортиқ, лекин кам эмас!

Бир жумла билан билан айтилганда, пахтачиликда инқилоб рўй берди!

Ҳайратланарли яна бир воқеа.

Олмалиқда 3-мис бойитиш фабрикаси ишга туширилди. Бундай фабрикалар қурилиб, ишга туширилиш жараёни бутун жаҳонда ўн йилга чўзилар экан. Бизда эса тўрт йилда (ҳа, тўрт йилда!) амалга оширилди. Бу муддатга ҳатто ўзимизнинг энг катта мутахассислар ҳам, америкалик ҳамкор ҳам ишонқирамаган экан. Мана шу америкалик энди бутун жаҳонни Ўзбекистоннинг бу тезкор тажрибасини ўрганишга чақирди.

Яна бир ҳайрат. Фақат мен эмас, ҳали ўзбекларнинг неча-неча авлоди ғурурланадиган мўъжиза – Ислом цивилизацияси марказининг бунёд этилиши. Бу марказ ажиб дид билан қурилган кошона. Деворларида қўл билан ишланган нақшлар, бутун дунёдан йиғиб келинган – илгари ўзимиздан олиб чиқиб кетилган ноёб экспонатлар, Усмон Қуръони, қадимий қўлёзмалар... Уларни намойиш этиш учун энг замонавий технологияларнинг қўлланиши...

Шавкат Миромонович марказнинг қурилиши ҳақида қизиқ тушунтириш берди: "Бу марказнинг қурилишида шошмадик. Саккиз йилда охирига етказдик...".

Бу изоҳ менга жуда ёқди. Чунки навбатдаги бир иморат эмас, балки санъат асари қурилаётган эди! Санъат асари яратилишига худди шундай сабр-тоқат билан ёндашилади! Президентимиз мана шу нозикликни англаган!

Хуллас, асрларга татигулик иншоот дунёга келган.

Мен интернетда бу мўъжизани томоша қилиш учун бораётган икки кишининг суҳбатини эшитдим.

– Сен, – деди уларнинг бири иморат бор бўйича кўрингач, – Тожмаҳални ҳам кўргансан. Қайси зўр?..

– Бу зўр-ов, – деди ҳамроҳи бинога назар ташлаб. Сўнг ишонч билан бир қарорга келди. – Бу зўр!

Тамом, вассалом! Бу зўр!

Бундай бунёдкорликлар ҳақида ёзаверсам, адо бўлмайди шекилли.

Бугун интернетни очдим. Мана, тилга олинган янгиликлар: Тошкентдан Хоразмга йўл олган "Жалолиддин Мангуберди" тезюрар поезди, Тошкент вилояти марказидан Бекободдан айлантирилиб, Янгиерга борадиган янги 111 километрли янги темир йўл қурилиши, Самарқандга борадиган янги тезкор йўл, Тошкентдаги янги аэропортдаги асосий ишларнинг бошланиши...

Назаримда, ҳайратларимнинг энди чеки бўлмайди.

**СЎНГСЎЗ ЎРНИДА**

Спорт ишқибозиман. Ишқибозлигимни биладиган Хайрулла деган журналист укам — тўқсонинчи йилларнинг охирида бўлса керак, футбол газеталаридан бирига интервью олиб қолди.

— Мана, Япония футбол жамоаси жаҳон чемпионати финалига йўлланма олди, — деди у. — Биз қачон жаҳон чемпионатига чиқамиз?

— Энди, — дедим мен атрофимдаги воқеликларни бир зум кўз олдимга келтириб, — мамлакатимизнинг Японияга мензаб ривожланишини кутамиз-да, укам.

Орзумизга эришдик. Футболчиларимиз финал йўлланмасини қўлга киритди. Демак... Японияга мензаб кетяпмизми? Шунга жуда ўхшайди. Ҳар ҳолда ривожланишимиз суръати кунчиқар юртникидан анча баланд.

Ишончим комил, шундай бўлади!

Чунки Ватанимизнинг бугунини ва эртасини яратишга ватанпарвар, халқпарвар, ишбилармон ва адолатли инсон бел боғлаган!

(Мақола "Янги Ўзбекистон" газетасидан олинди)

## Депутатлар фаолиятидан

# ХАЛҚ ИШОНЧИ – ОЛИЙ САОДАТ

Депутат – халқнинг ишончли вакили, одамларнинг муаммоларига қулоқ тутадиган ва уларнинг ҳал этилишида ёрдам берадиган инсон. Шу боисдан юртимизнинг барча ҳудудларида фуқаролар халқ вакиллари билан учрашувларни интиқлик билан кутишади.



"Адолат" СДП Чилонзор тумани кенгаши депутати Алишер Ҳусаинов ҳам сайловчилари олдидаги масъулиятни чуқур ҳис қилиб, улар билан доимий мулоқотда бўлиш мақсадида корхоналарда, маҳаллаларда тез-тез учрашувлар ўтказади. Яқинда 17-Бек тўпи сайлов округи ҳудудида жойлашган "Бек тўпи" ҳамда "Ал-Хоразмий" маҳалла фуқаролари билан бўлиб ўтган сайёр қабулда маҳалла еттилиги, нуронийлар, ёшлар, хотин-қизлар фаоллари ҳамда тегишли соҳа вакиллари иштирок этди.

Учрашувнинг асосий мақсади – ҳудуд аҳолисини қийнаб келаётган муаммоларни ўрганиш, уларни тизимли таҳлил қилиш ва амалий ечимлар ишлаб чиқишдан иборат бўлди. Мулоқот давомида фуқаролар томонидан кўтарилган масалалар кенг қамровли бўлиб, улар турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган масалаларни қамраб олди. Учрашув иштирокчилари депутатга ўзини, оиласини, маҳалласини қийнаётган, ечимини топишга қийналаётган масалаларни очиқ айтишди; кўп қаватли уй-жойларда иссиқ сув таъминотида узилишлар бўлаётгани, лифт мунтазам ишламаётганлиги учун лифт хўжалигини модернизация қилиш ва уларга сифатли хизмат кўрсатиш зарурати бўлаётгани ва уй-жой коммунал хизматлари фаолиятидаги бир қатор камчиликлар эътирозларга сабаб бўлаётганини таъкидлашди. Шу билан бирга, ҳудуддаги умумтаълим муассасаси таъмирга муҳтожлиги, замонавий талабларга жавоб берадиган янги поликлиника биносини қуриш лозимлиги, болалар майдончаларини қайта реконструкция қилиш каби масалалар ҳам бугуннинг долзарб муаммоси экани айтилди.

Депутат сайёр қабулда ечимини кутаётган юқоридаги масалаларни ҳал этишга кўмаклашишини айтган ҳолда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларга ҳам эътибор қаратди. Айниқса, онкологик касалликларга чалинган болаларни қўллаб-қувватлаш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, зарур тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш масалалари юзасидан таклифлар билдирди, уларни ҳал этиш учун масъул ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтиришни, уларнинг ўз вазифаларини бажаришларида фуқаролар ҳам кўмагини аямасликлари зарурлигини таъкидлади.

Алишер Ҳусаинов аҳолининг талаб ва истакларини тинглар экан, кўтарилган барча масалаларнинг қатъий назоратга олиниши, уларни биргаликда ҳал этиш чораларини кўриш билан бирга манзилли дастурлар шакллантирилишини алоҳида қайд этди.

Мазкур учрашув маҳалла аҳлини қийнаётган муаммоларни жойида ўрганиш, очиқ мулоқот муҳитини шакллантириш ҳамда уларни ҳал этишда тегишли идора ва ташкилотларнинг масъулиятини янада оширишда муҳим аҳамият касб этди. Муҳими, халқ орасида бўлиш, уларнинг яшаш тарзи билан яқиндан танишиш, кўнглига йўл топиш, орзу-истакларининг рўёби йўлида кўмаклашиш депутат билан аҳоли ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлайди, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги фаоллигини оширишга хизмат қилади.

**"Адолат" СДП Тошкент шаҳар мабуот хизмати**

# ТУПРОҚҚАЛЪА ЙЎЛИ АСФАЛЬТЛАШТИРИЛАДИ

Тупроққалъа туман кенгаши депутати Нафосат Аллаберганованинг "Саховат" маҳалласи аҳолиси билан мулоқотида Абдулла Қодирий кўчасидаги таъмирталаб йўл муаммоси ҳам кўтарилди.



Ёмғирли кунларда ботқоққа айланиб, ёз ойларида чанг-тўзон кўтарилиши маҳалла аҳлининг кундалик турмушига салбий таъсир кўрсатаётгани таъкидланди.

Депутат ташаббуси билан ушбу кўчада асфальтлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Қисқа вақт ичида замонавий талабларга жавоб берадиган, сифатли йўл барпо этиш ишлари бошланиб, жадал суръатларда олиб борилмоқда.

– *Биз узоқ йиллар давомида шу каби муаммолар билан яшаб келдик,* – дейди маҳалла фаоли Юсуфбой Ниязметов. – *Ҳозир кўчамиз бутунлай ўзгариб бормоқда. Бу ташаббус учун депутатимизга ва барча масъулларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.*

Албатта, равон ва обод йўллар аҳоли кайфиятига ижобий таъсир қилади.

Ушбу хайрли ишлар келгусида ҳам давом этиши режалаштирилган.

**Отахон АБДУЛЛАЕВ,**
**Тупроққалъа тумани кенгаши раиси**



# ЕВРОПА ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА

Тез-тез қулоғимизга чалинганидек, инсон саёҳатдан ҳеч қачон аввалги ҳолича қайтмаслиги рост экан. У ё янги фикр билан, ё янги орзу билан ёки ҳаётга нисбатан бошқача муносабат билан қайтаркан. Европанинг бир қатор давлатларига уюштирилган қисқа муддатли саёҳат ҳам каминанинг дунёқараши, тасаввур олами кенгайишига хизмат қилди десам, муболаға бўлмайди.

Очиғини айтганда, Европанинг ривожланган давлатларига саёҳат қилиш нияти бирданига пайдо бўлмаганди, буни узоқ йиллардан бери орзу қилардим. Чунки Европа мен учун нафақат ўлмас бадиий асарлар, тарихий бинолар ёки гўзал манзаралар, балки меҳнатсеварлик, тартиб, юксак маданият ва ривожланган жамият тимсоли эди.

Ҳеч кимга сир эмас, авваллари бундай сафар кўпчилик учун узоқ ва амалга ошиши қийин орзудек туюларди. “Шенген визаси”ни қўлга киритиш ўзбекистонлик сайёҳлар учун ёқимли бир тушдек эди гўё. Бугун эса мамлакатимиздаги очиқлик сиёсати, ташқи ва ички сиёсатимиздаги барқарорлик, сиёсий ирода ва ишонч сабаб биздек оддий ўзбекистонликларга дунёнинг эшиги кенг очилмоқда. Менинг Словакия, Австрия, Италия, Германия, Швейцария ва Франциянинг йирик шаҳарларига қилган тўққиз кунлик қисқа сафарим ҳам ана шу ўзгаришлар самараси бўлганини ич-ичимдан ҳис қилдим.

Сафар давомида машҳур бинолар ёки суратга тушиш учун мўлжалланган жойларга эмас, кўпроқ одамларга назар солдим. Чунки ҳар қандай мамлакатнинг ҳақиқий қиёфаси унинг музейлари ёки кўчаларида эмас, балки одамларининг вақтга, меҳнатга, қонунга ва бир-бирига бўлган муносабатида намоён бўлади, деб ҳисоблайман.

Саодат СОДИҚОВА,
журналист

### СЛОВАКИЯ: КАМТАР, АММО КУЧЛИ МАМЛАКАТ

“Европа тури”даги илк давлат Словакия ҳақида илгари кўп маълумотга эга эмас эдим. Бироқ айнан шу давлат менда кутилмаган таассурот қолдирди. Братиславада одамлар ортиқча дабдабани ёқтирмайди. Улар камгап, вазмин ва меҳнатсевар. Бу ерда ҳеч ким ўзини кўрсатишга уринмайди, аммо ҳар ким ўз ишини сидқидилдан бажаради.

Ўрганиб англаганим шу бўлди: словакияликлар ташқи томондан сокин кўринади, чунки уларнинг характерида сабр ва матонат кучли. Бу халқ асрлар давомида бошқа давлатлар таркибида яшаган, аммо ўз тилини, маданиятини ва миллий руҳини сақлаб қолган. Машҳур словак давлат арбоби Милан Растислав Штефаникнинг: “Ким ўз халқини яхши кўрса, унинг келажаги учун меҳнат қилади”, деган сўзлари бу халқнинг ҳаётга муносабатини ифодалайди.

Словакия аҳоли сонига нисбатан автомобиль ишлаб чиқариш бўйича Европада биринчи ўринда туради. Volkswagen, Kia, Peugeot ва Jaguar Land Rover каби йирик компаниялар заводлари айнан шу ерда жойлашган. Кичик ҳудуд ва унча катта бўлмаган аҳоли сонига қарамай, мамлакат саноат соҳасида катта натижага эришган. 1993 йилда мустақилликка эришганидан кейин Словакия қисқа вақт ичида иқтисодиётини ислоҳ қилди. Мамлакат чет эл инвестицияларини жалб қилиш, саноат зоналарини ташкил этиш ва техника таълимига эътибор қаратиш орқали Европа саноат марказларидан бирига айланди. Бу ерда мен бир муҳим ҳақиқатни ҳис қилдим: ривожланиш учун катта ҳудуд ёки бой табиий ресурс шарт эмас. Аниқ мақсад, меҳнат ва интизом бўлса, кичик давлат ҳам катта натижага эриша олади.

Братиславадаги театрлар, музейлар ва қадимий бинолар ҳам мамлакатнинг ички маданиятини намоён қилади. Гарчи бу мамлакат Франция ёки Италиячалик машҳур бўлмаса-да, бу ерда китоб мутолаа қилиш, театрга бориш ва маданий ҳаётда иштирок этиш ҳали ҳам қадрли машғулот ҳисобланишига ҳавасим келди.

### АВСТРИЯ: ТАРТИБДАН БОШЛАНАДИГАН ФАРОВОНЛИК

Венадаги илк кунларимданоқ бир нарса эътиборимни тортди: бу ерда ҳеч ким шошилмайди, аммо ҳеч ким кечикмайди ҳам. Жамоат транспорти аниқ ишлайди, одамлар навбатга риоя қилади, кўчаларда ҳеч ким баланд овозда гапирмайди. Австрияликлар вазмин, камгап ва жуда масъулиятли. Улар учун интизом – мажбурият эмас, одат.

Австрияликларнинг бундай характери бежиз шаклланмаган. Бу мамлакат асрлар давомида Европанинг сиёсий марказларидан бири бўлиб келган. Австро-Венгрия империяси даврида турли халқ ва маданиятлар айнан Вена орқали бирлашган. Шунинг учун австрияликлар учун тартиб ва келишув оддий қоида эмас, балки яшаш тарзига айланган. Машҳур австриялик олим Зигмунд Фрейднинг: “Инсоннинг ҳақиқий кучи унинг ўзини бошқара олишида”, деган сўзлари ҳам, назаримда, айнан шу халқ характерига мос келади.

Австрия аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот бўйича Европадаги энг бой давлатлардан бири ҳисобланади. Вена эса бир неча йилдан буён дунёда яшаш учун энг қулай шаҳар сифатида тан олиниб келинмоқда. Бу мамлакатда иқтисодиётнинг асосини туризм, банк тизими, юқори технология ва саноат ташкил этади. Аммо менга Австриянинг ҳақиқий бойлиги унинг одамларидадек туюлди.

Бу мамлакат тараққиётида таълим ҳал қилувчи ўрин тутган. XVIII асрда Мария Терезия томонидан мажбурий мактаб таълими жорий қилингани мамлакатда саводхонлик ва интизомни кучайтирди. Бугун ҳам Австрияда болаларга эрта ёшданоқ мустақил фикрлаш, вақтни қадрлаш ва масъулият ҳисси ўргатилади. Умуман олганда, Австрия тарихида катта из қолдирган бу аёл ҳукмдор XVIII асрда давлатни ислоҳ қилган ва мамлакатни Европа қудратларидан бирига айлантирган.

Венада жойлашган тарихий биноларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, улар замонавий ҳаёт билан уйғун ҳолда яшаб келмоқда. Мисол учун, Венанинг машҳур Ҳофбург саройида асрлар давомида Австрия императорлари яшаган бўлса, бугунги кунда бу иншоот музейлар, кутубхоналар ва давлат муассасалари жойлашган улкан мажмуага айланган.

Вена – музейлар шаҳри. Бу ерда юздан ортиқ музей мавжуд. Кечки пайт опера ёки театрга кетаётган одамларни кўриб, маданий ҳордиқ бу ерда байрам эмас, ҳаёт тарзи эканини англайсиз. Моцарт, Штраус, Фрейд каби буюк шахсларни етиштирган жамиятнинг бугун ҳам санъат ва илмга таяниши эътиборимни тортди. Диққатимни тортган яна бир жиҳат – одамлар ўз вақтида меҳнат қилишни ҳам, ўз вақтида дам олишни ҳам билади. Масалан, иш вақти тугаши билан ҳамма идора, ташкилот ва ҳатто дўконлар ҳам тақа-тақ ёпилади. Ҳатто иш вақти тугаса, ёқилғи қуйиш шахобчаларида навбат кутиб турган ҳайдовчига ҳам хизмат кўрсатилмаганлиги билан боғлиқ бўлган воқеа мени жудаям ҳайратлантирди. Тартиб-интизом ушбу давлатни ривожланган мамлакатлар қаторига киритганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.



### ИТАЛИЯ: ТАРИХ НАФАСИ УФУРИБ ТУРГАН МАМЛАКАТ

Италияга келган инсон тарихни фақат музейларда эмас, ҳар бир кўчада ҳис қилади. Венецияда сув устида сузиб бораётган қайиқлар, Сан-Марко майдонидаги қадимий обидалар, Миландаги улкан Дуомо – буларнинг барчаси инсонни асрлар қаърига олиб кетади.

Венецияда мени энг кўп ҳайратга солган нарса – бу шаҳарликларнинг сув билан яшашга мослашиб кетгани бўлди. Автомобиллар йўқ, одамлар қайиқ ёки пиёда ҳаракатланади. Шаҳар шовқинсиз, бироз секин, аммо ғоятда уйғун. Гўёки вақт бу ерда бошқача ўтаётгандек.

Италияликлар биз, ўзбекистонликларга жуда ўхшар экан. Улар ҳам оилага қаттиқ боғланган, катталарни ҳурмат қилади, меҳмондўст халқ. Фақат улар ҳиссиётларини биздан кўра очиқроқ кўрсатади. Қўл ҳаракатлари, баланд овозда гапириш, ҳаётдан завқ олиш – италияликларнинг табиий ҳолати.

Буюк италиялик Леонардо да Винчи: “Соддалик – энг олий мураккабликдир”, деган эди. Бу фикр Италиянинг бутун маданиятида акс этган: меъморчиликда, модада, таомларда ва ҳатто одамларнинг кундалик турмушида. Италияликлар ҳаётни мураккаблаштиришни эмас, уни гўзал ва мазмунли қилишни яхши кўради.

Бу мамлакат бир вақтлар Рим империясининг маркази бўлган, кейинчалик эса Уйғониш даври – Ренессанс ватанига айланган. Леонардо да Винчи, Микеланжело, Данте, Галилей каби буюк инсонлар айнан шу ердан чиққани боис Италияда санъат ва маданият ҳаётнинг марказида туради. Театрлар, опералар, музейлар – булар туристлар учун эмас, мамлакатнинг ўзи учун керак.

Италия кучли иқтисодиётга эга давлат. Ferrari, Lamborghini, Prada, Armani каби брендлар нафақат бизнес, балки мамлакатнинг дунёқараши сифат ва гўзалликка интилиш асосига қурилганини англатади. Ватанпарварлик руҳи одамларнинг уйларидаги деразаларига ўрнатилган мамлакат байроғида ёки бежирим ва ихчам гултувакларида ҳам сезилиб туради. Италия катта табиий бойликларга эга эмас. Аммо у инсон иқтидори, дизайн, туризм ва кичик бизнесга таяниб ривожланган. Айниқса, Италияда оилавий бизнеслар жуда кўп. Кичик корхоналар ва хусусий ташаббус мамлакат иқтисодиётининг асосини ташкил этади.



## Янги китоб

# “ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИ” – энциклопедик билимлар мажмуи




Лазиз Раҳматов томонидан нашр этилган “Дунё мамлакатлари” китоби, жаҳондаги 236 та давлат ва давлатсимон тузилмалар тарихи, иқтисодиёти, ташқи сиёсати, табиати, аҳолиси, ҳудуди ва бошқаларини содда, равон тилда кўрсатувчи энциклопедик асар.

Қодир ЖЎРАЕВ,
сиёсий фанлар доктори, профессор

Китоб тинимсиз изланишлар натижасида яратилган, илмий асосланган билимлардан иборат ва кенг китобхонлар оммаси ҳамда тадқиқотчилар учун илмий манба сифатида фойдаланиш мумкин. Китобда Ўзбекистоннинг шерик давлатлар билан алоқалари ҳақида ҳам тўлиқ маълумот келтирилган.

Ҳақиқий олимнинг энг улуғ мақсади – ўзи яшаётган жамият аъзоларини, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни чуқур билим, тафаккур ва юксак маърифат соҳиблари сифатида кўришдир. Шу нуқтаи назардан, сиёсатшунос олим, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори Лазиз Раҳматов томонидан нашр этилган “Дунё мамлакатлари” китоби ана шу эзгу мақсад йўлида амалга оширилган муҳим қадам сифатида эътироф этишга арзийди.

Мазкур китоб Лазизжоннинг сўнгги ўн йиллик тинимсиз изланишлари ва улкан меҳнати маҳсулидир. Лазизжон дунё мамлакатлари ҳақидаги маълумотларни йиғиш, уларни тизимлаштириш ва қомусий асар шаклида кенг китобхонлар оммасига содда ва равон тилда тақдим этиш йўлида катта фидойилик кўрсатди; ушбу сермашаққат йўлда ўзининг бутун билими ва олимлик иқтидорини ишга солди.

“Дунё мамлакатлари” китобини саҳих манба сифатида эътироф этиш мумкин, зеро, унда келтирилган маълумотлар ўзининг ишончлилиги ва илмий асосланганлиги билан ажралиб туради.

Китобда жаҳондаги 236 та давлат ва давлатсимон тузилмалар ҳақида батафсил маълумотлар жамланган. Ҳар бир мамлакатнинг аҳолиси ва ҳудуди, давлат бошқаруви шакли, маъмурий-ҳудудий тузилиши, тарихи, табиати, иқтисодиёти ва ташқи сиёсати ҳақидаги маълумотлар ниҳоятда равон, содда ва китобхон учун тушунарли услубда баён этилган.

Асарда ҳар бир давлат ҳақида қисқа, лўнда ва аниқ фактларга асосланган тавсифлар берилгани унинг илмий ҳамда амалий аҳамиятини янада оширади. Китобнинг яна бир муҳим жиҳати – Ўзбекистон Республикасининг шерик давлатлар билан икки томонлама ҳамкорлик алоқаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилганидир.

Шубҳасиз, мазкур китоб дунё мамлакатлари ҳақидаги қимматли қомусий нашрлардан бири бўлиб қолади. У кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган бўлиши билан бирга, халқаро муносабатлар, ташқи сиёсат, тарих, география, сиёсатшунослик, ҳуқуқ, филология, антропология, иқтисодиёт, социология каби соҳаларда илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар учун ҳам муҳим илмий манба сифатида хизмат қилади.

Албатта, ҳар бир ўзбек хонадонида бўлиши зарур бўлган китоблар мавжуд. Алишер Навоий асарлари, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи ана шундай бебаҳо маънавий дурдоналар сирасига киради. Назаримда, “Дунё мамлакатлари” китоби ҳам ана шу қимматли асарлар қаторидан муносиб ўрин олишга лойиқдир. Зеро, у китобхонга нафақат жаҳон мамлакатлари ҳақида кенг тасаввур беради, балки жонажон Ватанимиз – Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамжамиятдаги муносиб ўрни, унинг турли давлатлар билан тобора мустаҳкамланиб бораётган алоқалари ҳақидаги билим ва дунёқарашини бойитишга ҳам муносиб ҳисса қўшади.



# ДЕПУТАТНИНГ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИ:

## БОЛАЛАР ХАВФСИЗЛИГИДАН – МАҲАЛЛА ОБОДЛИГИГАЧА

**Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг бош мезони – давлат органларининг халқ манфаатига хизмат қилиши, ҳар бир фуқаронинг дарду ташвишига ечим топишда намоён бўлмоқда. Янги Ўзбекистон шароитида халқ вакили – депутатнинг зиммасидаги масъулият ҳар қачонгидан-да юксак. Зеро, депутат фаолияти фақат қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш ва қабул қилиш билан чекланмайди; унинг асл моҳияти ҳар бир хонадонга кириб бориш, муаммоларни жойида ўрганиш ҳамда уларга тизимли, узоқни кўзлаган ечим топишда намоён бўлади.**



Зотан, бугун депутатлик фаолиятини баҳолашдаги асосий ўлчов – унинг сайловчилар ҳаётига олиб кирган аниқ ўзгаришларидадир. Шу нуқтаи назардан, депутат Гулруҳ Агзамованинг сўнгги кунларда амалга оширган ишлари алоҳида эътиборга молик. Улар бир-биридан фарқли йўналишларни – болалар хавфсизлиги, таълим муассасаларини маблағ билан таъминлаш, экология, замонавий турар жой қурилиши сифати ҳамда оила институтини мустаҳкамлаш каби масалаларни қамраб олган бўлса-да, барчасини ягона мақсад – инсон қадрини улуғлаш ғояси бирлаштириб туради.

Муҳими шундаки, депутат ҳар бир масалага алоҳида воқеа сифатида эмас, балки яхлит тизимнинг бўғини сифатида ёндашди. Айнан шундай ёндашув туфайли депутатлик фаолияти алоҳида тадбирлар йиғиндисидан изчил ва натижадор ҳаракатга айланди.

Болалар хавфсизлигини таъминлаш ҳар бир халқ вакилининг нафақат хизмат вазифаси, балки виждоний бурчидир. Бу ҳақиқат депутат Гулруҳ Агзамованинг Яшнобод тумани "Дилбоғ" маҳалласида фуқаролар билан ўтказган навбатдаги учрашувида яна бир бор ўз исботини топди.

Маҳалла аҳолисидан келиб тушган мурожаат шунчаки расмий эътироз эмас эди – ҳудуддаги 10-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби атрофидаги серқатнов йўл узоқ вақтдан бери таҳликали нуқтага айланган, бу ерда содир бўлган кўнгилсиз йўл-транспорт ҳодисаси эса вазиятнинг нақадар долзарблигини кўрсатиб берган эди.

Гулруҳ Агзамова ва туман кенгаши депутати А.Керимов воқеа жойига чиқиб, депутатлик ўрганишини ўтказди. Ўрганиш жараёнига маҳалла еттилиги, мактаб раҳбарияти ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги мутасаддилари жалб этилди. Шу тариқа муаммонинг илдизи – пиёдалар ўтиш жойи ва тегишли йўл белгиларининг етишмаслиги, ҳаракат тезлигини чеклаш чораларининг йўқлиги аниқланди. Депутат назорати туфайли масала кечиктирилмай ҳал этила бошланди: пиёдалар йўлаги чизилди, светофор ўрнатилди.

Муаммоларга нисбатан бундай тезкор ва амалий ёндашув халқ вакилига бўлган ишончни бир неча баробар оширади. Чунки фуқаро ўз мурожаатининг қоғозда қолиб кетмаганини, аксинча, аниқ натижага айланганини кўрганда, давлат ва жамият институтларига ишончи мустаҳкамланади. Айнан шу ишонч – барқарор жамиятнинг кўринмас, аммо энг пухта пойдеворидир.

Бундан ташқари, бир маҳалладаги ҳал этилган муаммо бошқа ҳудудлар учун ҳам ибрат ва ишонч манбаига айланади. Бир жойда йўл хавфсизлиги таъминланса, қўшни маҳаллалар аҳолиси ҳам ўз муаммоларини дадил кўтара бошлайди. Шу маънода, Гулруҳ Агзамова Тошкент транспорт техникуми ҳамда Бектемир туманидаги 347-сонли мактабда ташкил этилган очиқ мулоқотларда ёшлар билан учрашиб, улар билан фикр алмашди.

Бугунги ёшлар – эртанги давлат бошқарувчилари, қонун ижодкорлари ва жамият фаолларидир. Улар билан мамлакатимиздаги демократик институтлар, фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва қонунчиликдаги янгиликлар хусусида суҳбатлашиш ёш авлоднинг дунёқарашини кенгайтиради, уларда ҳуқуқий онг ва сиёсий маданиятни шакллантиради. Депутат томонидан билдирилган асосли ва аниқ жавоблар ёшларда ватанпарварлик, дахлдорлик ва масъулият туйғусини кучайтиради.



Бундай учрашувларнинг аҳамияти яна шундаки, ёшлар халқ вакили билан бевосита мулоқот қилиш орқали ўз фикрини очиқ айта олиш ва эшитилиш ҳуқуқига эга эканини амалда ҳис этадилар. Бу эса ўсиб келаётган авлодда давлатга ишонч, жамият ҳаётига фаол қатнашиш истаги ва ўз тақдири учун масъуллик ҳиссини тарбиялайди.

Депутат ёшлар билан мулоқотда таълим сифати, бўш вақтни мазмунли ўтказиш, бандлик ва касб танлаш каби масалалар юзасидан фикрларни тинглади. Зеро, ёшларнинг хохиши, таклифлари келгусида қонунчилик ташаббусларини шакллантиришда, ёшларга оид давлат дастурларини такомиллаштиришда қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Демократик жамиятда давлат маблағларининг тақсимланиши халқнинг хоҳиш-иродасига таянмоғи лозим. Бу борада "Очиқ бюджет" портали халқ иштирокчилигининг янги даврини бошлаб берди. Бироқ амалиётда баъзан аҳоли учун ўта зарур лойиҳалар овоз тўплаш босқичида етарли қўллаб-қувватлашга эга бўлмай қолиши мумкин. Ана шундай вазиятда депутат ваколати адолат тарозисини мувозанатга келтирувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Миробод туманидаги 548-сонли мактабгача таълим ташкилотига 1 миллиард 600 миллион сўм маблағ ажратилиши – депутат Гулруҳ Агзамованинг қатъияти ва ваколатидан ўринли фойдаланганi натижасидир.

Айни пайтда бу маблағ – шунчаки рақам эмас. Унинг ортида янгиланган хоналар, иссиқ ва ёруғ синфлар, болалар учун хавфсиз майдонча ва замонавий жиҳозлар туради. Ота-оналар фарзандини ишончли қўлларга топширганини билса, ишга хотиржам боради; бу эса оила фаровонлигига ҳам, ҳудуддаги ижтимоий муҳитга ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Депутат ўрганишлари доирасида қурилиш ва таъмирлаш жараёнларини шахсан жойига чиқиб кўздан кечирди.

Шунингдек, Миробод туманидаги "Зиёнур" маҳалласи аҳолиси билан учрашувда маҳалла ҳудудида яшил боғ барпо этиш ташаббуси кўтарилди. Депутат Гулруҳ Агзамова ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаб, "Менинг боғим" лойиҳаси доирасида 400 миллион сўмгача маблағ ажратиш имконияти борлигини билдирди. Бу қарор маҳалла аҳлини ягона эзгу мақсад йўлида бирлаштирди. Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган ушбу тизим депутатларга маҳаллаларни ободонлаштиришда бевосита молиявий таъсир кўрсатиш имконини бермоқда.

Боғ барпо этиш орқали нафақат ҳудуднинг экологик ҳолати яхшиланади, балки аҳоли учун дам олиш ва маданий ҳордиқ чиқариш маскани вужудга келади. Бу – депутат фаолияти кўламининг нечоғли кенглигидан, унинг кундалик майда ташвишлардан тортиб, узоқ муддатли тараққиёт масалаларигача эътибор қаратаётганидан далолат беради.

Бундан ташқари, яшил боғ ташаббуси аҳолини умумий мақсад атрофида жипслаштиради. Маҳалла фуқаролари ўз қўли билан экиб, парвариш қилган дарахт ва гулзорга нисбатан эгалик ҳиссини туяди. Шу тариқа экологик лойиҳа айни вақтда фуқаролик масъулиятини ва маҳалладошлик бирдамлигини тарбиялаш мактабига ҳам айланади.

Аҳолини сифатли ва хавфсиз уй-жой билан таъминлаш – ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидан биридир. Шу боис Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Г.Агзамова ва О.Литвинова Яшнобод тумани халқ депутатлари Кенгаши депутатлари билан биргаликда замонавий NRG "Янги Бахт" турар жой мажмуасида бўлдилар.

Ўрганишлар давомида қурилиш сифати, қўлланилаётган материаллар, уй-жойларнинг мустаҳкамлиги ва экологик хавфсизлиги ўрганилди. Таъкидланганидек, мазкур мажмуа замонавий архитектура ечимлари ва миллий қадриятлар уйғунлигини ўзида мужассам этган бўлиб, аҳоли учун қулай шаҳар муҳитини яратишга хизмат қилади.

Мажмуа ҳудудида болалар майдончалари, спорт зоналари, дам олиш масканлари, сайр йўлаклари ва кундалик хизмат кўрсатиш объектлари режалаштирилган. Айниқса, "Бахт" кўли атрофидаги ободонлаштириш ишлари алоҳида эътиборга молик – бу ҳудуд экологик мувозанатни яхшилаш баробарида аҳолининг севимли дам олиш масканига айланиши кутилмоқда. Лойиҳада энергия тежовчи технологиялар – қуёш панеллари, иссиқликни сақловчи ойналар, замонавий иситиш тизимлари ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ечимлари жорий этилгани алоҳида қайд этилди.

Депутатларнинг бундай йирик объектларни назорат қилиши қурувчи ташкилотлар зиммасига масъулият юклайди ҳамда аҳолининг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди. Зеро, уй-жой – оддий иморат эмас, балки оила учун хавфсизлик ва хотиржамлик манбаидир. Унинг ҳар бир кўрсаткичи депутат назоратидан ўтиши – фуқаро манфаати давлат сиёсатининг марказида туришининг яна бир исботидир.

Депутатлик фаолиятининг ижтимоий ва инсонпарварлик қирралари Бектемир туманидаги 69-оилавий поликлиникада ўтказилган учрашувда ҳам яққол намоён бўлди. Учрашувда партиямизнинг "Оилалар мустаҳкамлигини кафолатлайлик" акцияси доирасида ташкил этилди.

Оила мустаҳкамлиги фақат моддий фаровонлик билан эмас, балки соғлом турмуш тарзи, ўзаро ҳурмат ва ҳуқуқий саводхонлик билан ҳам белгиланади. Шу боис учрашувда репродуктив саломатлик, эрта никоҳнинг олдини олиш ҳамда оилавий низоларни ҳуқуқий йўл билан ҳал этиш мавзуларида маслаҳатлар берилди.

Айни пайтда акция депутат фаолияти билан тиббиёт муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаб, жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда. "Адолат" СДПнинг бундай ташаббуслари партиянинг оила, аёл ва бола манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган изчил сиёсатининг амалий ифодасидир.

Оила – жамиятнинг бошланғич бўғини. У мустаҳкам бўлса, маҳалла тинч, мамлакат барқарор бўлади. Шу боис оилаларга ҳуқуқий ва тиббий маслаҳат етказиш, ёшларни оилавий ҳаётга пухта тайёрлаш – узоқ муддатли ижтимоий самара берадиган профилактик иш ҳисобланади. Депутатнинг бу йўналишдаги фаоллиги муаммо юзага келганидан кейин эмас, балки уни олдиндан бартараф этишга қаратилгани билан қимматлидир.

Мухтасар айтганда, депутат Гулруҳ Агзамованинг ҳудуддаги ўрганиш ишлари кенг кўламли ва тизимли тус олди. Жумладан, округ ҳудудида 76 та объектда ҳолат жойига чиқиб ўрганилиб, мавжуд инфратузилма, ижтимоий-иқтисодий шароит ҳамда аҳолини қийнаб келаётган долзарб масалалар атрофлича таҳлил қилинди.

Шунингдек, 30 та хонадонга бевосита бориб, ҳар бир оиланинг шароити, турмуш даражаси ва кундалик эҳтиёжлари ўрганилди. Жойлардаги реал вазиятни чуқурроқ англаш мақсадида 85 та очиқ мулоқот ва учрашув ташкил этилиб, аҳоли билан бевосита фикр алмашилди. Ушбу тадбирлар давомида жами 1110 нафар фуқаро билан юзма-юз мулоқот қилинди.

Фуқаролар кўтарган муаммо ва таклифлар тизимли равишда қайд этилиб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда аниқ чоралар белгиланди. Олиб борилган ўрганишлар натижасида ҳудуддаги муаммоларни босқичма-босқич ҳал этиш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган таклиф ва вазифалар шакллантирилди.

*Гулруҳ Агзамованинг тажрибаси шуни кўрсатадики, депутатлик ваколати тўғри ва виждонан бажарилганда, у маҳалла муаммосини ҳам давлат эътиборидаги масалага айлантира олади. Болалар йўлда хавфсиз юрса, боғча эшиги янги авлодга қувонч билан очилса, маҳаллада яшил боғ кўкарса – буларнинг ҳаммаси ортида аниқ масъулиятни ўз зиммасига олган халқ вакилининг меҳнати туради. Бу – "Адолат" СДП кўзлаган адолатли ва инсонпарвар жамиятнинг яққол кўринишидир.*

**Тошкент шаҳар кенгаши ахборот хизмати**

# Китоб – тафаккур калити



**Гулбаҳор ИСМОИЛОВА,
Поп туман ахборот-кутубхона маркази мутахассиси**

**Бундан 2 йил илгари бир таҳлилга дуч келгандим. Яъни, дунёнинг китобхонлик энг юқори бўлган 10 та давлати ялпи ички маҳсулотининг ҳажми ҳамда ривожланганлик даражаси бўйича ҳам дастлабки ўнликни банд этган экан. Мен бежиз бу фикрни тилга олмадим. Инсон ҳаётининг нечоғлик фаровонлиги ҳам айнан унинг китобга бўлган муносабатига чамбарчас боғлиқдир.**

Шу маънода айтганда, мамлакатимизда айни масала давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айлангани бежиз эмас. Президентимиз томонидан соҳага қаратилаётган юксак эътибор самарасини ўзим меҳнат қилаётган Поп туман ахборот-кутубхона мисолида ҳар куни, ҳар дамда ҳис этиб тураман.

Таъкидлаш лозимки, Поп туман ахборот-кутубхона маркази билан Республика маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлимлари, туман қўриқлаш бўлими, Фавқулодда вазиятлар бўлими, Маданият маркази, Ички ишлар бўлими, Мактабгача ва мактаб таълими бўлими ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари ўртасида кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган. Энг муҳими, ҳудуддаги ахборот – кутубхоналарга методик ёрдам кўрсатиш, замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда аҳоли ва ёшларнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадида кенг ахборот ресурслар базасини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Айни пайтда туман ахборот-кутубхона маркази 65 435 номдаги 112 минг 747 дона китоб фондига эга. Шунингдек, 18 номдаги даврий нашрлар мамлакатимиз ҳаётидаги янгиликлар ҳамда ислоҳотлар нафасидан баҳраманд бўлиш имконини бераётир. Қолаверса, 43 номдаги электрон ресурслар ва 5220 та электрон файллардаги адабиётлар ҳам мавжуд.

Биргина 2025 йилда ахборот-кутубхона марказимизга анъанавий, кўчма ва масофавий ташриф буюрган 77 789 нафар фойдаланувчига 149 377 дона ресурс тақдим этилган. Доимий китобхонлар кўрсаткичи 10 360 нафарни ташкил этса, шундан 5688 нафари аёллар эканлиги бизни қувонтиради. Чунки аёллар ва опа-сингилларимиз фарзандларини ҳам китобга ошна қилиб тарбиялашади.

Аҳолини китобхонликка янада кенг жалб қилиш мақсадида туман нуронийлар маскани, ИИВ Жазони ижро этиш муассасаси, Парда Турсун санаторияси, Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми, туман фавқулодда вазиятлар бўлими ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларида "Энг яхши китобхон", "Нима, қачон, қаерда?", "Мен келажакда ким бўламан?" танловлари, янги китоблар тақдимоти, "Сеҳрли сўзлар карвони", "Йўл-йўлакай китоб ўқиймиз" сингари бадиий-мусиқий кечалар, ижодий учрашув, викторина, таълим муассасаларида эса "Долзарб 90 кун" тадбирлари ўтказилди.

Эътироф этиш керак, давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 15 январдаги "Китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва аҳоли ўртасида китоб ўқишга қизиқишни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори давлат сиёсати даражасидаги юксак эътибор самарасидир. Бундан республикамизда китоб ўқиш маданиятини кенг тарғиб қилиш, янги нашрлар ва таржималарни йўлга қўйиш ҳамда аҳоли орасида китобга қизиқишни кучайтириш, кутубхоналар ва таълим даргоҳларини касбий ва соҳавий адабиётлар билан таъминлашдек эзгу мақсад кўзда тутилган.

Галдаги вазифалар доирасида 2026 – 2030 йилларда аҳолининг китобхонлик даражаси(бир одам ўқийдиган китоб сони)ни йилига ўртача 10 та китобга етказиш белгиланди. Шу мақсадда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида "Китоб – маърифат манбаи" дастури амалга оширилади. Транспорт инфратузилмаси объектлари ва транспорт воситаларида, хусусан, автобус, метро, самолёт ва поездларда "Mutolaa" платформасидан фойдаланиш имкониятлари яратилади. Бугунги кунда умумтаълим муассасаларида ташкил этилаётган "Жадидлар изидан" китобхонлик клублари ҳам давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори ижросини таъминлайди. Клуб аъзолари йилига камида 20 та китоб ўқиши белгиланган. Улар Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан рағбатлантириб борилади.

Яна бир қувонарли янгилик шуки, барча вазирлик ва идораларда китобхонлик бўйича ички рейтинг тизими жорий этилади, ходимлар учун ҳар ойда "Китоб ўқиш соати" йўлга қўйилади. Энг кўп китоб ўқиган ходимнинг бир ойлик иш ҳақи миқдорида пул мукофоти билан рағбатлантирилиши эса китобхонлик бобида рақобат муҳитини юзага келтириши шубҳасиз. Айниқса, ўқувчи ва талабалар орасидан энг кўп китоб ўқиган топ-100 талик аниқланади. Бу рейтингга кирган ёшларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 баравари миқдорида пул мукофоти берилади.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарорида биз – ахборот-кутубхона ходимларини қувонтирган янгилик ҳам бор. Яъни, республикамиздаги барча кутубхоналар тўлиқ хатловдан ўтказилиб, уларнинг ҳолатини яхшилаш, замонавий кўриниш бериш чора-тадбирлари белгиланганидир. Натижада китобхонлар учун янада кенг имкониятлар яратилади. Жорий йилда ахборот кутубхонамиз учун янги бино қуриш режалаштирилган.

Бир сўз билан айтганда, китоб – инсон тафаккурининг қанотидир. Зеро, китобга ошно бўлган инсондан асло ёмонлик чиқмайди. Аксинча, у ён-атрофидагиларни ҳам ўзи сингари эзгу йўлга бошлай олади.

ADOLAT
Муассис: "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши
Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ
Таҳрир ҳайъати:
Робахон МАХМУДОВА
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Озода ПАРПИБОЕВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!
Котибият – 71 288-42-14 (144); 95 096-07-75
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
ISSN 2091-5217
Навбатчи муҳаррир – Абдуқаюм Йўлдошев
Масъул котиб – Абдуғани Содиқов
Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани "Шарқ тонги" кўчаси, 23-уй.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 501
Адади – 4 012
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10
Баҳоси келишилган нархда
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.